

Бургут кўз



19:00 / 04.12.2021 4665

Филиппин бургуту. Дунёдаги энг йирик бургутлардан бири. Филиппин ўрмонларида учрайди. Бундай бургутлар ҳозирда йўқолиб кетиш арафасида. Шунинг учун уни овлаш таъқиқланган. Филиппинда уни овлаган киши 12 йилга қамалиши мумкин.

Тезкор бургут — йирик йиртқич қуш бўлиб, панжалари пўлатдан ясалган сих мисоли қаттиқ, ўткир, қисувчи ҳамда қаттиқ жароҳат етказувчи қурол ҳисобланади.

Танасининг узунлиги 106 см, қанотларини ёйганда, у учидан бу учигача узунлиги 2 метр бўлиб, гоҳида бундан ҳам ошади.

Бўри ва ундан каттароқ ҳайвонларни овлай олади. Тирноқлари айиқнинг тирноғидан узунроқ бўлиб, ўлжасини тирноқнинг ўзида ўлдириши мумкин.

Ушбу бургут чангали билан инсоннинг билаги ёки болдирини синдириши, суякни тешиши мумкин.

Шунингдек, у ўта сабрли жонзот бўлиб, ўлжасини 23 соат давомида пойлаб, дарахт тепасидан жимгина кузатиб ўтиради.

Агар кўзингизни шу бургутнинг кўзига алмаштирса, сиз кўпқаватли бино тоmidан туриб, ердаги чумолини кўришингиз мумкин. Бургут 1 см ёки ундан кичикроқ жонзотни 200 метр баландликдан ва 4 км узоқликдан кўра олади.

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади